

6-1-2018

## METHODS OF SUPPORTING THE INTERNAL AUDIT IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

B. Tuyinov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Tuyinov, B. (2018) "METHODS OF SUPPORTING THE INTERNAL AUDIT IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Тўйинов Б. И.-ТДИУ,  
мустақил изланувчи

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ҚЎЛЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада давлат секторида ички аудитнинг ўрни, мақсади, вазифалари ва уни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ички аудитнинг хориж тажрибасини Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида қўллаш йўллари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** аудит, молиявий назорат, ички назорат, ички аудит, бюджет, молиявий ҳисобот, тафтиш.

В статье исследовано место, цель, задачи внутреннего аудита и его регламентирующие нормативно-правовые документы в государственном секторе, а также, пути внедрения его в системе высшего образования в Республике Узбекистан

**Ключевые слова:** аудит, финансовый контроль, внутренний контроль, внутренний аудит, бюджет, финансовая отчетность, ревизия.

The article examines the place, purpose, tasks of internal audit and its regulatory legal documents in the public sector, as well as the ways of its introduction into the system of higher education in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** audit, financial control, internal control, internal audit, budget, financial statements, revision.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молиявий назорати тизимини мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Буни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи йўналишида келтириб ўтилган “харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”га қаратилган бандида ҳам яққол кўриш мумкин.[1]

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулар жумласидан бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш

ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-3231-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида, вилоятлар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаларида ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди. Айтиш мумкинки қонунчилик тартибда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит хизматини йўлга қўйиш белгиланди.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат молиявий назорати механизмларининг самарали ишлаши давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида фаолият юритаётган ички аудитга бевосита боғлиқдир. Шу боисдан, ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия кабиларда бюджет ташкилотларида ички аудит тизими жорий этилган.

Аввало, ички аудит ҳақида сўз юритганда ушбу тушунчанинг таърифини тўғри англаш муҳим аҳамиятга эга. Ички аудиторлар институти (The institute of internal auditors) томонидан берилган таърифга кўра “Ички аудит бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва холис кафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга ўз мақсадларини рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилашга тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишда кўмаклашади” [3].

Мазкур таърифда ички аудитнинг мақсади ва функциялари ўз ифодасини топган бўлиб, улар умумий тарзда ифодаланган. Халқаро тажрибага кўра қўлланиш соҳаси бўйича ички аудит икки бўлинади: давлат секторида ички аудит ва хусусий секторда ички аудит. Биз давлат секторида ички аудитнинг роли ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мақсади ва вазифаларини ифодаловчи таърифини беришимиз лозим. Бизнинг фикримизча, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда ички аудит деганда - бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, молиявий жараёнларнинг қонунийлиги ва молиявий назорат тизимига холисона баҳо берувчи, ташкилот харажатларининг асосли режалаштирилиши ва сарфланиши юзасидан профессионал маслаҳатлар беришга ихтисослашган тизим тушунилади.

Профессор С.Мехмоновнинг диссертация ишида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг ташкилий-амалий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган. [4].

Бу олим шундай ёзади: “Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет тизими бюджетлари ижроси молиявий назоратида ички аудит фаолиятини ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб бизнингча, бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти хизмати учун алоҳида Ички аудит стандартлари қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Ички аудит фаолияти аудит стандартлари асосида ташкил қилиниши аудит ўрганишларини режалаштиришга, назорат ва текшириш турига, назорат қилиш учун керакли маълумотларни тўплашга, тизимлаштиришга ягона ёндашув таъминланади. Шу билан биргаликда ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконият яратилади. [5.]

Тадқиқот ишида кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция каби усуллар қўлланилган.

2013-2014 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастурини “Ўзбекистонда бюджет тизими ислоҳоти” қўшма лойиҳаси давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилишда кўмаклашди, унинг асосий йўналиши Халқаро Бухгалтерия ҳисоби стандартларини (ИАС) миллий бухгалтерия тизимига мослаштириш имкониятларини баҳолаш ва ҳисобот бериш саналади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш дастури»да давлат секторида бухгалтерия ҳисобини «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001»га ва ҳисоблаш методи учун «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га мувофиқ олиб боришга эришиш ислоҳотнинг асосий мақсадларидан бири сифатида қаралган.

Халқаро стандартларни амалга ошириш мақсадида лойиҳа уларни халқаро амалиётга мослаштирилган ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда Ўзбекистонда 12 та Бюджет ҳисоби стандартлари (СБУ) ишлаб чиқилган ва молия вазирлигининг электрон сайтига жойлаштирилган. Уларнинг маълум бир қисми республика адлия вазирлигидан расмий равишда рўйхатдан ўтказилган бўлса, қолганлари муҳокама ва қабул қилиш жараёнида турибди.

Бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини мамлакатнинг бухгалтерлик амалиётига жорий этилиши мутахассислар билан малакали ва мақсадли ишларни олиб боришларини талаб қилади.[1.]

Бугунги кунда республикамизда мавжуд бўлган давлат молиявий назорат тизими асосан ташқи молиявий назоратдан иборат бўлиб, ваколатли органлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси, Молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Бош прокуратура кабиларнинг алоҳида бўлинмалари ўз вазифалари доирасида давлат молиявий назоратини амалга ошириб келмоқдалар. Давлат

молиявий назоратини кучайтириш ва самарали ишлашнинг таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилади. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда маблағлардан самарали фойдаланишда камчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмоқда. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда қабул қилинган “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизминини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231-сон Қарори бюджет маблағлари ижросини назорат қилиш ва унинг шаффоқлигини таъминлаш ҳамда давлат молиявий назорати тизимида кескин ижобий ўзгартиришлар қилишни тақозо этмоқда. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилинди ва унга қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

– давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиш;

– бюджет қонунчилигига риоя этиш бўйича Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориш;

– давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда аниқланаётган пул маблағлари ва моддий бойликларни талон-торож қилиш, камомадларга йўл қўйиш, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда ижро этиш тартибинини бузиш ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш. [3]

Бундан ташқари, Қарорнинг 9-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати таркибида Бюджетни тузиш ва ғазначилик ижроси, ички аудит ва молиявий назорат методологияси бошқармаси ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– илғор халқаро тажриба асосида бюджет маблағларидан фойдаланиш натижадорлигини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ўзини ўзи таъминлаши, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маблағларидан оқилона фойдаланиш бўйича манфаатдорлигини оширишга

қаратилган йўналишларда бюджет жараёни методологиясини такомиллаштириш;

– замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини янада такомиллаштириш, бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси ва давлат молиявий назорати тизимини ривожлантириш;

– республика даражасидаги ва ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш, ички аудит ва молиявий назоратнинг халқаро стандартларини уларнинг фаолиятига жорий этиш [3].

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда ички аудит тизимини жорий қилиш бўйича хориж тажрибасига тўхталадиган бўлсак, унинг асосий жиҳатлари қуйида баён этилади (1-жадвал).

Ички аудитнинг ватани ҳисобланган АҚШда Ички аудиторлар институти ташкил этилган бўлиб, унда дунёнинг 165 дан ортиқ мамлакатларида 150 000 аъзоларни бирлаштиради ва 65 000 нафарга яқин сертификатли ички аудиторлар унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. АҚШда ички аудитни тартибга солишда қуйидаги икки муҳим ҳужжатдан фойдаланилади. Ички аудиторлар институтининг Ички аудит профессионал амалиёти халқаро стандартлари (The IIA’s International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing). [6]

*1-жадвал*

**Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда ички аудит бўйича хориж тажрибасининг айрим жиҳатлари**

№	Кўрсаткичлар	АҚШ	Буюк Британия	Япония
1.	Меъёрий ҳужжат	Давлат сектори аудитининг умум қабул қилинган стандартлари (General accepted government auditing standards)	Давлат сектори ички аудит стандартлари (Public sector internal audit standards)	Ички аудиторлар институтининг Ички аудит профессионал амалиёти халқаро стандартлари (The IIA’s International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing)
2.	Назорат қилувчи ташкилот	Давлат аудит бошқармаси (Government auditing office)	Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши (Internal Audit Standards Advisory Board)	Молиявий хизматлар агентлиги (Financial services agency)
3.	Амал қилувчи сертификат	Сертификатли ички аудитор (Certified internal auditor), Давлат сектори ички аудит стандартлари дипломи (DipIPSIAS)	Сертификатли ички аудитор (Certified internal auditor)	Сертификатли жамоат бухгалтери (Certified Public Accountant)

Манба. Муаллиф ишланмаси.

Буюк Британияда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши томонидан ишлаб чиқилади. Мазкур стандартларни ишлаб чиқишнинг алоҳида хусусияти шундаки, уларни ишлаб чиқишда Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар (Relevant internal audit standard setters) томонидан белгиланган талаблар асос сифатида олинади. Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар таркибига Давлат молияси ва бухгалтерия ҳисоби жамоат институти (CIPFA), НМ Ғазначилиги (HM Treasury), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги киради. Ушбу ташкилотлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлари ички аудит стандартларини талабларини белгилаб беришади.[7.]

Японияда ички аудитни ташкил этиш, сертификациялаш ва назорат қилиш Молиявий хизматлар агентлигининг мустақил органи ҳисобланган Сертификатли жамоат бухгалтерлари ва аудиторлик фаолияти назорати кенгаши (Certified Public Accountants and Auditing Oversight Board) томонидан амалга оширилади.[8.]

Республикамизда ҳам Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит тизими замонавий талаблар асосида шакллантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3231-сон Қарорига мувофиқ ушбу тизим дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ташкил этилмоқда. Эндиликда, юқоридаги вазирликлар таркибида 3 штатдан иборат республика даражасидаги ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилади ва уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

– республика даражасидаги ҳамда ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг - бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-торож қилиниши ҳолатларининг қуйидаги йўллар билан профилактикасини таъминлаш ва уларнинг олдини олиш;

– бўйсунувидаги муассасаларда харажатлар сметасини режалаштириш ва унинг ижроси, бюджет ҳисобининг юритилиши, тендер (танлов) савдоларининг ўтказилиши ва шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш;

– бўйсунувидаги муассасалар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари раҳбарларига бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш, асоссиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан товарлар, иш ва хизматларни харид қилиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг ходимлари таркибини мустаҳкамлаш масалалари бўйича тавсиялар тайёрлаш;

– қонунни бузиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қўйи муассасаларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш. [3].

Тадқиқот якунида шуни қайд этиш зарурки, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати тизими давлат молиявий назоратининг янгича йўналиши ҳисобланар экан, уни ташкил этиш бўйича турли хил ёндашувлар бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу муносабат билан республикамизда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги илғор халқаро тажриба асосида такомиллаштирилади ва бунда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат тизимига алоҳида эътибор қаратилади.

Шу боисдан, ички аудит тизимини бюджет ташкилотлари фаолиятига жорий қилишда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда қўйидаги хулоса ва таклифлар беришни лозим деб ўйлаймиз:

1. Халқаро тажрибага кўра ички аудит тизими қайси йўналишда (хусусий ёки давлат) бўлишидан қатъий назар сертификацияланиши лозим. Шунинг учун, республикамизда ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг малака талабларидан келиб чиққан ҳолда ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходими сертификати (ИАМНХХС)ни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлари учун Ички аудит ва молиявий назорат миллий стандартлари (ИАМНМС)ни ишлаб чиқиш зарур. Бунда Буюк Британия тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий стандартларни ўрнатувчилар, яъни мамлакатимизда ички аудит ва молиявий назорат тизими жорий этилаётган манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларида иборат гуруҳ тузиш зарур. Ушбу гуруҳ талаблари асосида нафақат миллий стандартларни ишлаб чиқиш, балки миллий стандартлар бўйича сертификат даъвогарларининг малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини ҳам яратиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

3. Сертификатли ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг малака ошириш курсларини мунтазам ташкил этиш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аудит тизимидаги сертификациялаш жараёни икки босқичда, яъни сертификатни олгунгача ўқув дастури ва сертификатга эга бўлгандан сўнг малака ошириш бўйича ўқув дастури шаклида амалга оширилади. Малака оширишнинг шакллари белгилашда масофавий ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

4. Ички аудит ва молиявий назорат хизматини ташкил этишда аудитнинг умум эътироф этилган тамойилларидан бири ҳисобланган мустақилликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, уларнинг мустақиллигини таъминламасдан, улар фаолияти натижасида юқори самарага эришиб бўлмайди. Бунинг учун вазирлик ва идораларнинг худудий бўлинмаларидаги ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларини фақатгина тегишли вазирлик



тасарруфидаги Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси бошлиғига бўйсунганини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим.

5. Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз вазирлик ва идораларининг юқори органлари (Ҳайъат йиғилишлари)да ҳисобот бериш тизимини ҳуқуқий мақомини ўрнатиш талаб этилади.

6. Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимлари иш самарадорлигини баҳолашда “Scoring” тизимини жорий этиш. Бу тизим орқали ҳар бир ходимнинг фаолияти давлатга келтирган манфаати (бюджет маблағларини иқтисод қилиш бўйича берган тавсиялари, давлат мулкани ноқонуний ўзлаштиришни бўйича амалга оширган ишлари, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши бўйича маслаҳатлари ва ҳ.к.)га кўра балл бериш орқали баҳоланади ҳамда тўплаган балларига мутаносиб равишда кўшимча мукофотлар билан рағбатлантирилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Давлат молиясини бошқариш ислохотлари» лойиҳасини амалга оширишга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида». –Тошкент, 2000 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 21 август, ПҚ-3231.

4. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.-08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)диссертация автореферати.-Тошкент.-2018.б.31-32

5. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

6. <https://na.theiaa.org> - Ички аудиторлар институти расмий веб сайти.

7. <http://www.iasab.org/> -Буюк Британиянинг Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши расмий веб сайти.

8. <http://www.fsa.go.jp/en/> -Япониянинг молиявий хизматлар агентлиги расмий веб сайти